

АГРАР СОХА ИНТЕНСИВЛИГИ ВА АГРОЭКОСИСТЕМАНИНГ ХОЛАТИ УНИ ЯХШИЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИАТЛАРИ

Абдуллаев Б.Н.

Самарканд Агроинновациялар ва тадқиқотлар институти, агрокимё,
тупроқшунослик ва ўсимликлар химояси кафедраси доценти

Аннотация

Минерал ўғитларни кўллаш амалиёти йилдан йилга кенгайиб, такомиллашиб бормоқда. Минерал ўғитлар билан бир каторда органик ўғитлардан фойдаланиш ўлчамлари хам кенгаймоқда. Бирок дехкончиликни кимёлаш - ўғитлардан тўғри ва окилона фойдаланишина тақозо этади. Азотли ўғитларнинг ортиқча микдори ўсимликлар (пахта, картошка, маккажўхори ва х.к.)нинг генератив органлари хисобига вегетатив органларини кўпроқ ўсиши ва ривожланишига имконият яратади. Бугунги кунда экология ва инсон саломатлиги ўртасидаги муносабат тубдан ўзгариб бормоқда. Инсонларнинг табиатга бўлган бефарқ, шафқатсиз, табиий ресурслардан оқилона ва тежамкорликсиз фойдаланиши натижасида катта ҳалокатларга олиб келмоқда. Даля тажрибалари пахта билан биргаликда картошка, маккажўхори, буғдой ва лавлаги каби ўсимликлар мисолида олиб борилди. Нитрификация ингибиторларини қўллаш хисобига бир қатор ижобий натижаларга эришилди.

Калит сўзлар: Минерал ўғит, органик ўғит, табиий ресурс, ингибитор, нитрификация, экосистема, ирригацион эрозия, иқтисодий самараадорлик, глобал, авитаминоз, нитрат, метгемоглобин;

Кириш

Тупрок унумдорлигини ошириш ва уни саклаб колиш максадида кишлоқ хужалигини жадал юритишни ўғитларсиз тасаввур килиш кийин.

Азотли ўғитларнинг ортиқча микдори ўсимликлар (пахта, картошка, маккажўхори ва х.к.)нинг генератив органлари хисобига вегетатив органларини кўпроқ ўсиши ва ривожланишига имконият яратади. Азотнинг ортиқча микдори, айникса унинг нитрат формаси хавфли, чунки у тупроқда сорбцияланмайди, енгил харакатланади ва грунт сувларига етиб боради.

Азотнинг аммонийли бирикмалари тупрокни ва табиий сувларни ифлослантиришнинг манбай бўлиб хизмат килади. Маялумки, аммиак нитратларгача оксидланиб, аммонийли азот кислородни бириктиради ва гидробиоталарни кислородга очлигига ва сувларни бузилишига олиб келади. Тупроқда аммиакли азотни ошикча микдорининг манбайи бўлиб, чорвачилик, паррандачилик чикиндилари ва шахар окова сувлари хизмат килади.

Бугунги кунда экология ва инсон саломатлиги ўртасидаги муносабат тубдан ўзгариб бормоқда. Инсонларнинг табиатга бўлган бефарқ, шафқатсиз, табиий ресурслардан оқилона ва тежамкорликсиз фойдаланиши натижасида катта ҳалокатларга олиб келмоқда. Инсонларнинг дастлабки ҳаёт босқичларида унинг табиатга бўлган таъсири учалик сезиларли бўлмаган, у табиатдан нимани олса шуни табиатга қайтариб берган. Аста-секин инсоннинг табиатга таъсири кучайиб бориб, бугунги кунда унинг оқибатини яққол ўз кўзимиз билан кўриб турмоқдамиз. Бутун тарихи давомида инсоният ўзи меҳнат қилиши билан атроф-муҳитдан иложи борича кўпроқ ва тез фойда олишга ҳаракат қилиб келган. Бунинг оқибатида эртанги кунимизда яъни келажагимизда яшаш шароитимиз қандай кечар экан? деган савол ҳаммамизни қизиқтиради. Инсоннинг табиатга таъсири кучайиб кетди ва глобал муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Кўплаб ўсимликларнинг турлари, ноёб қизил китобга киритилган, доривор ўсимликлардан инсоният шафқатсиз фойдаланиши натижасида уларнинг сони камайиб кетди. Шу билан бирга ҳайвонларнинг ҳам қанчадан – қанча турлари йўқолиб бормоқда. Атроф-муҳитимиз саноат ва турмуш чиқиндилари, заҳарли кимёвий моддалар билан ифлосланмоқда ва заҳарланмоқда. Табиий экосистемалар, кўллар, ўрмонлар бузилмоқда.

Экосистема бу ҳар хил турга мансуб бўлган организмлар ва муҳит йиғиндиси, яшаш жойи ҳисобланади. Агроэкосистема эса бу бевосита инсон фаолияти натижасида яратилади. Бунга мисол қилиб далалар, қишлоқ хўжалиги экинлари, боғларни кўрсатишимиш мумкин. Энг муҳим ҳозирги замон антропоген экосистемаларга шаҳарлар, қишлоқлар, транспорт коммуникациялари киради. Шаҳарларда табиат муҳитининг ўзгаришини яққол ўз кўзимиз билан кўришимиз мумкин. Чунки саноат ва турмуш чиқиндилари тупроқда, сувда, ўсимликларда турли заарли элементларнинг



кўпайиб кетишига сабаб бўлади. Шаҳарда аҳоли сони қўплиги натижасида юқумли касалликлар кенг тарқалади. Ҳаво ифлосланганлиги натижасида, ер юзига нурларнинг анча миқдори етиб келмайди. Ёруғлик етишмаслиги эса Д авитаминозини қўпайтириб, болаларда рахит касаллиги ривожланади. Қишлоқ экосистемалари шаҳар экосистемаларидан фарқ қиласиди. Чунки қишлоқ ҳавоси тоза ўсимликларнинг хилма-хил турлари бор. Транспорт воситалари чиқиндилари нисбатан камроқ, лекин ҳайвонлар орқали юқадиган юқумли ва паразитар касалликлар қишлоқда кўпроқ учрайди. Қишлоқ хўжалигида турли пестицидлар, гербицидлар ва бошқа кимёвий моддаларнинг кўп ишлатилиши шу ердаги қишлоқ аҳолисининг соғлиғига заарли таъсир кўрсатиши табиий холатдир.

Атмосферанинг ифлосланиши саноат корхоналарининг чиқиндилари, транспорт воситалари ажратиб чиқарадиган бирикмалар, айниқса оғир металлардан қўрғошин, мис, кадмий, никел ва бошқа металлар заррачалари ҳисобига тобора ортиб бормоқда. Улар биосферада кўп тўпланганида тирик организмлар мутаносиблиги бузилиб, ҳар хил салбий оқибатлар келиб чиқади. Тупроқда микробиологик ва биокимёвий жараёнларнинг йўналиши ва интенсивлиги ўзгаради, тупроқ унумдорлиги пасаяди. Маълумотларга кўра атмосферага ҳар йили 22 минг тонна ифлослантирувчи моддалар, шу жумладан 120 тонна водород фторид ажратилади. Ҳавода H_2S нинг ортиб бориши кислотали ёмғирларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Ўзбекистонда мевали дарахтлар ҳосилдорлигининг камайиши, узумзорларнинг касалланиб, йилдан йилга кам ҳосилли бўлишининг асосий сабабларидан бири ҳам кислотали ёмғирларнинг кўпайиб бориши сабаб бўлмоқда. Атмосферанинг, сув ҳавзаларининг, тупроқнинг тобора ифлосланиши натижасида ўрмонлардаги дарахтлар касалланиб қуриб қолмоқда. Ўрмонларнинг йўқолиши эса иқлимининг кескин ўзгаришига, сув бойликларининг камайишига, тупроқ ҳолатининг ёмонлашишига олиб келмоқда.

Ўғитларни ноўрин қўллаш ва суғоришни нотўғри амалга ошириш оқибатида кўп миқдордаги нитратлар сизот сувларига кўшилади ёки ювилиб сув ҳавзаларига келиб тушади, қайсики экологик мухитни бузади. Лекин, ўғитларни илмий асосланган холда, илғор агротехникавий тадбирлар асосида қўллаш атроф-муҳитга заар етказмасдан экинлардан мўл ва сифатли ҳосил





етиштириш имконини беради. Назарда тутиш керакки, минерал ўғитлар миқдорини ўзлуксиз ошириш билан ҳосилни ошириб бўлмайди. Ортиқча берилган ўғитлар атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва ичимлик сув манбаларида нитрат миқдорининг кескин ошиб кетишига сабаб бўлади. Сув манбаларида нитрат миқдорининг йўл қўйилиши мумкин бўлган (ПДК) дозадан ортиши тирик организмларда жумладан инсон организмида турли ҳил касалликларнинг келиб чиқиши ва сувдагай жониворларнинг заҳарланишига сабаб бўлади. Нитратлар заҳарли бўлмасада, улар ичакка ўтгандан кейин ичак бактериялари таъсирида нитритларга айланиб, қондаги гемоглобин билан бирикиб, уни метгемоглобинга айлантиради. Метгемоглобин эса қоннинг организмни кислород билан таъминлаш фаолиятига салбий таъсир кўрсатади ва заарлайди.

Натижалар таҳлили ва хулоса. Марказий Осиё тупроқларида аммонификация, нитрификация ҳамда денитрификация жараёнлари жадал кечиб, азотнинг кўп қисми минераллашиб йўқолиб кетиши мумкин. Шу сабабли сўнгги йилларда, азотли ўғитлардан фойдаланиш самарасини ошириш ҳамда тупроқдаги азотнинг йўқолишини камайтириш мақсадида дехқончиликда ингибиторлардан фойдаланиш ўрганилган. Профессор Ф.Х.Хошимов раҳбарлигига бир қатор олимлар жумладан доент Б.Н.Абдуллаев томонидан секин таъсир этувчи ўғитларни турли хил ўсимликлар мисолида ўрганилган ва ижобий натижаларга эришилган.

Айнан ушбу илмий изланишлар давоми сифатида ресурстежамкор технологилар асосидаги тажрибалар Самарқанд АгроИнновациялар ва тадқиқотлар институти тажриба майдонларида маккажӯхори, ловия, буғдой каби ўсимликлар мисолида олиб борилди. Ресурстежамкор технологилар асосида минерал ва органик ўитларни қўллаш хисобига бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Бунда азотли ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини (коэффициенти) оширилиши хисобига ўйтлаш меёри (10-15%) камайтирилди, иккинчидан экинлар хосилдорлиги (18-20% гача) оширилди, учинчидан эса экинларни ресурстежамкор технологилар асосида етиштирилганда тупроқ унумдорлигини, тупроқнинг агрофизикавий хусусиятларини яхшилаш хисобига бирмунча оширишга эришилди. Яна бир қўшимча жихати тупроқ муҳити, атроф-муҳит экологиясига салбий

таъсирларнинг камайтирилишига эришилди хамда ирригация эрозиясига учраган ерларда маккажӯхорига ишлов беришни минималлаштириш технологиясини жорий қилиш имконияти яратилди ва иқтисодий самарадорлик даражаси ортишига олиб келиши илмий ва амалий асосланди.

Хулоса ўрнида шуни такидлаш мумкинки, хозирги вақтда инсоният экологик инқироз хавфи остида турибди. Чунки иқлим ўзгариши ва қурғоқчиликнинг эшик туриши олимларимиз томонидан зарурий чоралар кўрилмаса, биосеферанинг кўп жойлари хаёт учун яроқсиз бўлиб қолиши мумкин. Ресурстежамкор (энергиятежамкор, сувтежамкор ва тупроқни химояловччи, ишлов беришни минималлаштирувчи) технологилар асосида минерал ва органик ўитларни қўллаш, табиатни муҳофаза қилиш, агроэкосистемани оптимал миқдорда соф холда сақлаш ҳозирги вақтда энг муҳим долзарб муаммолардан бирига айланмоқда. Зеро ушбу муаммони ижобий хал этиш долзарб масала хисобланади ва ушбу йўналайишдаги илмий изланишларни жадаллик билан давом эттиришимизга замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. F Ahrorov, O Murtazaev, B Abdullaev Pollution and salinization: compounding the Aral Sea disaster Disaster by Design: The Aral Sea and its Lessons for Sustainability 20, 29-36
2. B Abdullaev, O Umarov, J Ravshanov Water conductivity of meadow-gray soils of okdarya district, samarkand region Евразийский журнал академических исследований 2 (10), 206-209
3. Хурсанов, X., Шакаров, О., Пўлатов, О., & Шониёзов, Б. (2024). ТАМАКИ МАҲСУЛДОРЛИГИГА КЕМИРУВЧИ ТУНЛАМЛАРНИНГ ТАЪСИРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ. В SCIENCE AND INNOVATION IN THE EDUCATION SYSTEM (Т. 3, Выпуск 4, сс. 116–121). Zenodo. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10907697>
4. Хурсанов, X., Шакаров, О., Пўлатов, О., & Шониёзов, Б. (2024). КЕМИРУВЧИ ЗАРАРКУНАНДАЛАР БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА ТАМАКИДА УЛАР ЗАРАРИНИ КАМАЙТИРИШ УСУЛЛАРИ. В SCIENCE AND INNOVATION IN THE EDUCATION SYSTEM (Т. 3, Выпуск 4, сс. 122–127). Zenodo. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10907735>





5. Hursanov Hayrullo Jurakulovich, Umurzakov Elmurod Umurzakovich Influence of Agrotechnical Measures on Reducing the Harmfulness of Cotton Scoop on Agrobiocenosis of Tobacco 2021/2/15 European Journal of Agricultural and Rural Education Том 2 Номер 2 Страницы 1-2 Издатель Scholarzest Описание The article presents data on the influence of agrotechnical measures on the harmfulness of cotton bollworm in tobacco agrobiocenosis in Uzbekistan

6. Xursanov X.J., Xatamova M.X. (2023). OLMANING BAKTERIAL KUYISH KASALLIGI VA UNGA QARSHI KURASH. DEVELOPMENT AND INNOVATIONS IN SCIENCE, 2(2), 109–112. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7656846>

7. Shoniyozi, B. K., Qozoqboyev, S., Qochqarov, I. R., Komiljonov, O., & Toshtemirova, S. J. (2024). O'SIMLIKLARNI PAST HARORATDAN HIMOYALASH TEKNOLOGIYASI. B MODELS AND METHODS IN MODERN SCIENCE (T. 3, Выпуск 4, cc. 157–161). Zenodo. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10902119>

8. Shoniyozi, B. K., Qozoqboyev, S., Komiljonov, O., Qo'chqarov, I. R., & Toshtemirova, S. J. (2024). INSONIYAT VA TUPROQ MALHAMI. B THEORETICAL ASPECTS IN THE FORMATION OF PEDAGOGICAL SCIENCES (T. 3, Выпуск 6, cc. 57–61). Zenodo. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10902131>

9. Shoniyozi, B. K., Qozoqboyev, S., Qochqarov, I. R., Komiljonov, O., & Toshtemirova, S. J. (2024). UNIVERSAL PRODUCT "AMARANT XXI" O'SIMLIGIDAN YOG` AJRATIB OLISH TEKNOLOGIYASI. B ACADEMIC RESEARCH IN MODERN SCIENCE (T. 3, Выпуск 10, cc. 178–182). Zenodo. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10902084>

10. Ortikov, T., Shoniyozi, B., Makhmatmurodov, A., & Mashrabov, M. (2023). Influence of mineral and organic fertilizers on the properties of serozem-meadow soils, nutritional dynamics and productivity of amaranth. In E3S Web of Conferences (Vol. 462, p. 02017). EDP Sciences.

11. Шониёзов Бобур, Ортиков Тулкин; ,Внесение удобрений и формирование урожая амаранта,Актуальные проблемы современной науки,2,2,35-39,2022,Самаркандинский филиал Ташкентского государственного аграрного университета

12. Shoniyozi, Bobur Kaldarboyevich; Ortikov, To'lqin Qo'chqorovich; Usmonov, Ravshan; ,Mineral va organik o'g'itlarni amaranat yetishtirishda oziq-



- moddalar balansiga ta'siri, Academic research in educational sciences,,Conference,659-664,2022,OOO «Academic Research»
13. Shoniyoziw Bobur, Ortikov Tulkin; ,INFLUENCE OF DOSES OF NITROGEN FERTILIZERS ON THE CHEMICAL COMPOSITION OF AMARANTH PLANTS,ACADEMIC RESEARCH IN MODERN SCIENCE International scientific-online conference,1,1,136-139, 2023, <https://doi.org/10.5281/zenodo.7593488>
14. Shoniyoziw Bobur Kaldarboyevich, Turdiyev Umarjon Uchqun son, Ko'chgarov Islam Rustam son, Toshtemirova Sarvinoz Jorabek daughter, Ismoilova Muxlisa Murtoza daughter; ,PROSPECTS OF ORGANIC FERTILIZER PREPARATION FROM URBAN WASTE,EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH Innovative Academy Research Support Center UIF = 8.1 | SJIF = 5.685 www.in-academy.u3,2,156-158,2023,https://www.doi.org/10.37547/ejar-v03-i02-p3-110
15. Shoniyoziw, BK; Ortiqov, BK; Usmonov, R; , "INFLUENCE OF MINERAL AND ORGANIC FERTILIZERS ON THE PROPERTIES OF SEROZEM-MEADOW SOILS, NUTRITIONAL DYNAMICS AND YIELD OF AMARANTH Jilin Daxue Xuebao (Gongxueban)",Journal of Jilin University (Engineering and Technology Edition) ISSN,,1671-5497,2022,
16. Shoniyoziw, Bobur Kaldarboyevich; Hoshimov, Farhod Hakimovich; Ortiqov, To'lqin Qo'chqorovich; Usmonov, Ravshan; ,AMARANT YETISHTIRISHDA OZIQ MODDALAR BALANSIGA AZOTLI O'G'ITLARNING TA'SIRI,Academic research in educational sciences,,Conference,861-867,2022,OOO «Academic Research»
17. To'lqin Qo'chqorovich Ortiqov, Bobur Kaldarboyevich Shoniyoziw, Raxshana Ravshanovna Sultanbekova; ,AZOTLI O'G'ITLAR ME'YORLARINI AMARANT O'SISHI VA RIVOJLANISHI VA HOSILDORLIGIGA TA'SIRI,O'ZBEKISTONDA AQLLI QISHLOQ XO'JALIGINI JORIY ETISHNING NAZARIY VA AMALIY ASOSLARI Xalqaro ilmiy -amaliy konferensiya,1,1,1137-1143,2023,
18. To'lqin Qo'chqorovich Ortiqov, Bobur Kaldarboyevich Shoniyoziw, Raxshana Ravshanovna Sultanbekova; , "MINERAL VA ORGANIK O'G'ITLARNI AMARANT O'SISHI, RIVOJLANISHI VA HOSILDORLIGIGA

Proceedings of International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences

Hosted online from Toronto, Canada.

Date: 5th April, 2024

ISSN: 2835-5326

Website: econferenceseries.com

TA'SIRI.", "O'ZBEKISTONDA AQLLI QISHLOQ XO'JALIGINI JORIY ETISHNING NAZARIY VA AMALIY ASOSLARI Xalqaro ilmiy –amaliy konferensiya to‘plami 2023-yil, 12-13-may", 1,1,1160-1167,2023

19. Sultanbekova, R; Ortikov, TQ; Shoniyozi, BK; , "Azotli o'g'itlar me'yorlarining tuproqdagi mineral azot miqdoriga ta'siri. O'zbekistonda agrar sohani innovatsion rivojlantirishning nazariy va amaliy asoslari. Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi. 5-6 oktabr, 2022 yil", Academic research in educational sciences (ARES),3,,665-668

20. Ортиков Т.К, Б.К.Шониёзов; , "РОЛЬ УДОБРЕНИЙ В РОСТЕ, РАЗВИТИИ И УРОЖАЙНОСТИ АМАРАНТА", Journal of Agriculture & Horticulture, 4,9,14-17,2023, <https://doi.org/10.5281/zenodo.8374760>

21. Shoniyozi, BK; Ortikov, TK; Usmanov, R; , "MINERAL VA ORGANIK O'G'ITLARNI AMARANT YETISHTIRISHDA OZIQ MODDALAR BALANSIGA TA'SIRI. O'zbekistonda agrar sohani innovatsion rivojlantirishning nazariy va amaliy asoslari. Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi. 5-6 oktabr, 2022 yil", Academic research in educational sciences (ARES),3,

22. T. Ortikov, B. Shoniyozi, A. Makhmatmurodov and M. Mashrabov; , "Influence of mineral and organic fertilizers on the properties of serozem-meadow soils, nutritional dynamics and productivity of amaranth", "E3S Web of Conf. Volume 462, 2023 International Scientific Conference "Fundamental and Applied Scientific Research in the Development of Agriculture in the Far East" (AFE-2023) Article Number 02017 Advances in Crop and Plant Cultivation", 462,13,1,2023, <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202346202017>

23. Toshtemirova Sarvinoz Jorabek qizi, Ismoilova Muxlisa Murtoza qizi, Ko'chgarov Islam Rustam o'g'li, Turdiyev Umarjon Uchqun o'g'li, Ibdolloyeva Sarvinoz Baxtiyor qizi, Shoniyozi Bobur Kaldarboyevich. (2023). PROSPECTS OF CULTIVATION AND PROCESSING OF KOVUL UNIQUE PLANT. ACADEMIC RESEARCH IN MODERN SCIENCE, 2(8), 224–227. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7731230>

24. G.Kadirova, & M.Hayitov. (2023). TUPROQNING FIZIKAVIY XOSSALARI VA ULARNING AHAMIYATI. Current Issues of Bio Economics and Digitalization in the Sustainable Development of Regions (Germany), 83–87. Retrieved from <https://www.openconference.us/index.php/germany/article/view/105>





25. Ruslan, X., Sevinch, A., Abdumalik, S., & Kamoliddin o‘g‘li, S. E. (2024, March). UZUM MEVALARIDAGI PESTISID QOLDIQLARINI TOZALASH USULLARI. In INTERNATIONAL CONFERENCE ON MEDICINE, SCIENCE, AND EDUCATION (Vol. 1, No. 3, pp. 21-26).
26. Hursanov Hayrullo Jurakulovich, Umurzakov Elmurod Umurzakovich Influence of Agrotechnical Measures on Reducing the Harmfulness of Cotton Scoop on Agrobiocenosis of Tobacco 2021/2/15 European Journal of Agricultural and Rural Education Том 2 Номер 2 Страницы 1-2 Издатель Scholarzest Описание The article presents data on the influence of agrotechnical measures on the harmfulness of cotton bollworm in tobacco agrobiocenosis in Uzbekistan.
27. Kadirova G.A., Hayitov M.A. “Tuproqning fizik xossalari va ularning ahamiyati” Current issues of bio economics and digitalizatsion in the sustainable development of regions.– 2023. –B. 99-103.
28. Umarova, S., Qodirova, G., & Mashrabov, M. (2023). OQ LYUPIN EKININI TUPROQ UNUMDORLIGIGA TA’SIRI. Академические исследования в современной науке, 2(23), 200-203.
29. G. Kadirova, & M. Hayitov. (2024). OCH TUSLI BO‘Z TUPROQLARNING MEXANIK TARKIBINING QATLAMLARDA O‘ZGARISHI. Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities, 3(4), 235–244. Retrieved from <https://econferenceseries.com/index.php/icedh/article/view/4298>
30. Қозоқбоев, С., & Машрабов, М. (2024). ТУРЛИ ФОСФОР САҚЛОВЧИ ЎТИЛДАРНИНГ ТУПРОҚ ФОСФАТ РЕЖИМИ ВА МАККАЖҮХОРИ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ. В MODELS AND METHODS IN MODERN SCIENCE (Т. 3, Выпуск 4, сс. 128–133). Zenodo. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10884974>
31. Po’latov, O., Negmatov, S., Shukurov, A., & Turobova, S. (2024). MAKKAJO’XORI PARVONASIGA QARSHI MIKROBIOLOGIK PREPARATLARNING BIOLOGIK SAMARADORLIGI. В ACADEMIC RESEARCH IN MODERN SCIENCE (Т. 3, Выпуск 10, сс. 136–141). Zenodo. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10889302>
32. М.И.Машрабов, О.З.Комилжонов, С.С.Умарова. (2023). СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ТУПРОКЛАРИНИНГ ШЎРЛАНИШИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИ. МЕЖДУРОДНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ АКАДЕМИЧЕСКИХ НАУК, 2(2), 120–124. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7652306>



33. Shukurov A., Negmatov S., Ko‘chmurodov I. KARTOSHKА KUYASI (PHTHORIMAEA OPERCULELLA ZELL) BIOEKOLOGIYASI VA KIMYOVIY QARSHI KURASH CHORALARI //Development and innovations in science. – 2023. – T. 2. – №. 10. – C. 114-119.
34. Po'Latov O.A., Turobova SAQ, Muhabbat O. MAKKAJO 'XORI PARVONASI VA UNGA QARSHI BIOLOGIK KURASH USULI //O'quv fanlaridagi akademik tadqiqotlar. – 2023. – T. 4. – №. SamTSAU konferensiyasi 1. – S. 1144-1148 yillar.
35. Shukurov, A., Negmatov, S., & Ko‘chmurodov, I. (2023). KARTOSHKА KUYASI (PHTHORIMAEA OPERCULELLA ZELL) BIOEKOLOGIYASI VA KIMYOVIY QARSHI KURASH CHORALARI. Development and innovations in science, 2(10), 114-119.
36. Махматмуродов, А., Пўлатов, О., & Содиков, Э. (2023). БОДОМНИНГ СЎРУВЧИ ЗАРАРКУНАНДАСИ ОДДИЙ ЎРГИМЧАККАНА (TETRANYCHUS URTICAE KOCH.) ВА УНГА ҚАРШИ КИМЁВИЙ ПРЕПАРАТЛАРНИ БИОЛОГИК САМАРАДОРЛИГИ. Development and innovations in science, 2(10), 108-113.
37. Shukurov, A., Sodiqov, E., Xolmurodova, M., Ko‘chmurodov, I., & Xoliboyev, R. (2023). POMIDORNI FUZARIOZ KASALLIGI VA UNGA QARSHI KIMYOVIY KURASH CHORALARINING SAMARADORLIGI. Development and innovations in science, 2(11), 56-60.
38. MASHRABOV, M., & MAXMATMURODOV, A. (2021). Effects of phosphor storage fertilizers on phosphate regime and cabbage yield of typical gray soils. Plant cell biotechnology and molecular biology, 22(55-56), 33-41.
39. Aslamov, D., Mashrabov, M. I., & Maxmatmurodov, A. O. (2023). TURLI FOSFORLI OG'TTLARNING OQBOSH VA GULKARAM EKINLARIGA TA'SIR SAMARADORLIGINI ORGANISH. Academic research in educational sciences, 4(SamTSAU Conference 1), 1088-1092.
40. Shukurov, A., Sodiqov, E., Xolmurodova, M., Ko‘chmurodov, I., & Xoliboyev, R. (2023). POMIDORNI FUZARIOZ KASALLIGI VA UNGA QARSHI KIMYOVIY KURASH CHORALARINING SAMARADORLIGI. Development and innovations in science, 2(11), 56-60.
41. Shukurov, A., Negmatov, S., & Ko‘chmurodov, I. (2023). KARTOSHKА KUYASI (PHTHORIMAEA OPERCULELLA ZELL) BIOEKOLOGIYASI VA KIMYOVIY QARSHI KURASH CHORALARI. Development and innovations in science, 2(10), 114-119.